



ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ АЛКОГОЛ МАХСУЛОТИНИ ИСТЕЪМОЛ ҚИЛИШГА МОЙИЛ БЎЛГАН МАЪМУРИЙ НАЗОРАТГА ОЛИНГАН ШАХСЛАР БИЛАН ИШЛАШДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ МУАССАСАЛАРИ БИЛАН ЎЗARO ҲАМКОРЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Бабаханов Ҳамдам Қадамович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Ҳуқуқбузарликлар
профилактикаси фаолияти кафедраси ўқитувчиси, майор

Орифов Самандар Маъмуржон ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси кундузги таълим
Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти ихтисослиги
бўйича таълим олаётган 2-ўқув курси 216-ўқув гуруҳи

курсанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14901833>

ARTICLE INFO

Received:17th February 2025

Accepted:18th February 2025

Published: 20 th February 2025

KEYWORDS

*алкогол махсулотини
истеъмол қилишга мойиллар,
ҳамкорлик, маъмурий назорат,
соғлиқни сақлаш муассасалари.*

ABSTRACT

*Ушбу мақолада мавзунинг
долзарблиги, алкоголь махсулотини
истеъмол қилишга мойил бўлган, маъмурий
назоратга олинган шахслар билан ишлашда
соғлиқни сақлаш муассасалари билан ўзаро
ҳамкорлиги тушунчаси, бугунги кундаги
ҳолати ва алкоголь махсулотини истеъмол
қилишга мойил бўлган, маъмурий назоратга
олинган шахслар билан ишлашда соғлиқни
сақлаш муассасалари билан ўзаро
ҳамкорлигининг ўзига хос хусусиятлари,
алкогол махсулотини истеъмол қилишга
мойил бўлган, маъмурий назоратга олинган
шахслар билан ишлашда соғлиқни сақлаш
муассасалари билан ўзаро ҳамкорлигини
янада такомиллаштириш, жамоат
тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари,
эркинликлари ва қонуний манфаатларини
ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда
амалга оширилган ислоҳотлар ҳақида сўз
юритилади.*

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг дастлабки навбатда хавфсизлик ва тинчликни сақлаш, халқ осойишталигини таъминлаш асосий устувор вазифа ҳисобланиб келмоқда. Республикамизда истиқлолнинг дастлабки кунларидан бошлаб фуқароларни жиноятчилик, унинг энг қабиҳ ва хавфли тури бўлган уюшган шакллари, диний экстремизм, терроризм, одам савдоси каби офатлар тажовузидан ҳимоя қилиш барча ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, шу жумладан, ички ишлар органларининг энг долзарб ва мураккаб вазифаларидан бири бўлиб келмоқда.

Ўтган давр ичида ички ишлар органларини инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, жамоат тартиби ва фуқаролар хавфсизлигини ҳимоя қилишнинг ишончли гаровига айлантиришни кўзлаб амалга оширилган ислоҳотлар ички ишлар органларининг

мамлакат ички ва ташқи хавфсизлигини таъминлашга қаратилган фаолиятини такомиллаштиришда катта аҳамият касб этмоқда. Айниқса, бугунги кунда бевосита аҳоли турар жойлари, маҳалла, қишлоқ ва овулларда давлатимиз хавфсизлигига таҳдид солаётган турли кўринишдаги тажовузларнинг олдини олиш, кўмаклашувчи сабаб ва шароитларни бартараф этиш орқали уларга қарши курашишда, фуқороларимизнинг ҳуқуқбузарлик ва жиноятлардан жабрланувчи булиб қолишининг олдини олишда ички ишлар органлари тизимида амалга оширилган ва давом этаётган ислохотлар натижасида вужудга келган профилактика тизимининг фаолияти аҳамиятга моликдир.

Сурункали ичкиликбозлик ва гиёҳвандликка мубтало бўлган шахс қонунчиликда наркологик касаллик (сурункали алкоғолизм, гиёҳвандлик, заҳарвандлик) психоактив моддаларга патологик ружу қўйиш, улардан сурункали заҳарланишнинг психосоматик (руҳий ва жисмоний) ҳамда ижтимоий оқибатлари билан тавсифланадиган сурункали касаллик деб айтилган.

Шу боис, профилактика инспекторлари фуқароларнинг, аввало ёшларнинг психоактив моддаларни нотиббий равишда истеъмол қилишига имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлайди ва бартараф этади;

наркологик касалликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи ҳамда наркологик ёрдам кўрсатувчи бошқа органлар ва муассасалар билан ҳамкорлик қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-27-сон Фармони¹га

4-иловасида Ички ишлар органларининг профилактика инспекторлари зиммасига юклатилган вазифаларидан 4 ва 13 вазифаларида белгилаб берилди.

-Ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил шахсларни белгиланган тартибда профилактик ҳисобга ва маъмурий назоратга олиш, улар билан яқка тартибдаги профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш, ижтимоий мослаштириш ишларини индивидуал дастур тузган ҳолда ташкил этиш.

Тажовузкор руҳий касаллар, спиртли ичимликка ружу қўйганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасаларига кўмаклашишлари белгилаб ўтилган.

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар тўғрисида”ги ЎРҚ-371-сон қонуни² 26-моддасида. Алкоғолни суиистеъмол қилувчи ёки гиёҳвандлик воситаларини, психотроп моддаларни ва ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилувчи шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси чора-тадбирлари сифатида қуйидагилар келтирилган:

Жумладан,

-гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг қонунга ҳилоф равишда муомалада бўлишининг, улар истеъмол қилинишининг, шунингдек алкоғоль ва тамаки маҳсулотлари қонунга ҳилоф равишда ишлаб чиқарилиши ҳамда реализация қилинишининг олдини олиш бўйича профилактика тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

-мастлик ҳолатида, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддалар таъсири остида содир этиладиган

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.02.2023 йилдаги ПФ-27-сон Фармони. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, <https://lex.uz/docs/6396146>

² Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги ЎРҚ-371-сонли Қонуни \ URL: <https://lex.uz/docs/2387357>

ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва шарт-шароитларининг олдини олиш, уларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш бўйича профилактика тадбирларини ўтказиш;
-гиёҳвандлик воситаларини, психотроп моддаларни ва ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни сақлаш, ташиш, реализация қилиш ва улардан фойдаланиш қоидаларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш.

-Алкоголни суистеъмол қилувчи ёки гиёҳвандлик воситаларини, психотроп моддаларни ва ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилувчи шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси қонунчиликка мувофиқ бошқа чора-тадбирларни ҳам ўз ичига олиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 27 октябрдаги “Наркологик касалликлар профилактикаси ва уларни даволаш тўғрисида”ги ЎРҚ-644-сон қонуни³ 6-моддасида. Алкоголни суистеъмол қилувчи ёки гиёҳвандлик воситаларини, психотроп моддаларни ва ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилувчи шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси борасида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг наркологик ёрдам соҳасидаги ваколатлари келтирилган:

Ушбу қонуннинг 7-моддаси. Алкоголни суистеъмол қилувчи ёки гиёҳвандлик воситаларини, психотроп моддаларни ва ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилувчи шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси борасида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг наркологик ёрдам соҳасидаги ваколатлари келтирилган. Жумладан, наркологик касалликларга чалинган шахсларни мажбурий даволашга юбориш учун ҳужжатларнинг расмийлаштирилишини таъминлайди, шунингдек ушбу шахсларни суднинг қонуний кучга кирган қарори асосида наркология муассасаларига олиб боришга кўмаклашади;

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси⁴нинг 96-моддасига мувофиқ ўзига нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилган шахсларни жазони ижро этиш тизимининг ихтисослаштирилган муассасаларида мажбурий даволашни амалга оширади;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин деб кўрсатилган.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг янги ҳисоботига кўра, спиртли ичимликлар истеъмоли йилига 2,6 миллион кишининг умрига зомин бўлмоқда. Бу дунёдаги барча ўлим ҳолатларининг 4,7 фоизига тенг⁵.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг янги ҳисоботига кўра, спиртли ичимликлар истеъмоли йилига 2,6 миллион кишининг умрига зомин бўлмоқда. Бу дунёдаги барча ўлим ҳолатларининг 4,7 фоизига тенг.

Шунингдек, яна 600 минг одамнинг ҳаётдан эрта кўз юмиши психоактив моддалар қабул қилиш билан боғлиқ.

Таҳлилларда келтирилишича, ҳозир Ер юзи аҳолисининг қарийб 400 миллион нафари алкоголь ва гиёҳванд моддалар истеъмол қилишдан азият чекмоқда. Улардан 209 миллион нафари спиртли ичимликларга қарам бўлиб қолган. Оқибат ва асоратлар эса аянчли.

³ Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 27 октябрдаги “Наркологик касалликлар профилактикаси ва уларни даволаш тўғрисида”ги ЎРҚ-644-сонли Қонуни \ URL: <https://www.lex.uz/acts/5069150>

⁴ Ўзбекистон Республикасининг жиноят кодекси 2024 й <https://www.lex.uz/acts/111453>

⁵ ЖССТ: Алкоголь ва гиёҳванд моддалар истеъмоли йилига 3,2 миллион кишининг ўлимига сабаб бўлмоқда <https://gov.uz/uz/ssv/news/view/15486>

Масалан, 2019 йилда алкоголь билан боғлиқ ўлимнинг тахминан 1,6 миллиони юқумли бўлмаган касалликлар, жумладан, 474 мингтаси юрак-қон томир ва 401 мингтаси саратон хасталиклари туфайли содир бўлган.

Тахминан 724 минг киши жароҳатлар, хусусан, йўл-транспорт ҳодисалари, ўз-ўзига зарар етказиш ва шахслараро зўравонлик натижасида вафот этган. Яна 284 минг киши юқумли касалликлар қурбонига айланган.

Спиртли ичимликлар билан боғлиқ ўлим ҳолатларининг энг юқори улуши, яъни 13 фоизи 20-39 ёшдаги аҳоли қатламига тўғри келган.

Жаҳон бўйича 15-19 ёшли ўсмирларнинг 23,5 фоизи спиртли ичимликлар истеъмол қилувчилардир. Уларнинг катта қисми Европа минтақаси (45,9 фоиз) ҳамда Шимолий ва Жанубий Америка (43,9 фоиз)да яшайди.

Шундан келиб чиқиб, ЖССТ ҳукуматларни 2022-2030 йилларга мўлжалланган алкогольга қарши глобал ҳаракат режасини амалга ошириш бўйича саъй-ҳаракатларни кучайтиришга чақирди.

2017 йил 12 июлдаги Ички ишлар Вазирининг “Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги 151-сонли Буйруғига кўра профилактика инспектори.

Алкоголни суиистеъмол қилувчи ёки гиёҳвандлик воситаларини, психотроп моддаларни ва ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилувчи шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси чора-тадбирларини ташкил этиш фаолияти.

биринчидан, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг қонунга хилоф равишда муомалада бўлишининг, улар истеъмол қилинишининг, шунингдек алкоголь ва тамаки маҳсулотлари қонунга хилоф равишда ишлаб чиқарилиши ҳамда ўтказилишининг олдини олиш бўйича профилактика тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

иккинчидан, мастлик ҳолатида, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддалар таъсири остида содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлаш ҳамда бартараф этиш бўйича профилактика тадбирларини ўтказиш;

учинчидан, Алкоголни суиистеъмол қилувчи ёки гиёҳвандлик воситаларини, психотроп моддаларни ва ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилувчи шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа чора-тадбирларни ҳам ўз ичига олиши мумкин.

Маъмурий назоратни таъминлашда профилактика инспекторлари аввало Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормаларига ва айнан маъмурий назоратни тартибга солувчи қонунлар қонун ости норматив ҳужжатларга асосан бевосита фаолият юритиши лозим.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 апрелдаги “Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисида”ги қонуни талаблари асосида профилактика инспекторлари маъмурий назоратни таъминлаш бўйича асосий вазифаларни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикасининг “Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисида”ги қонунда маъмурий назоратга оид бўлган қуйидаги тушунчалар белгилаб берилди:

маъмурий назорат – назорат остидаги шахсларга суд томонидан белгиланадиган маъмурий чекловларни қўллашдан иборат тарбиявий-профилактик таъсир кўрсатиш чоралари мажмуи;

маъмурий чеклов – ҳуқуқлар ва эркинликларни вақтинчалик чеклаш ёки зиммага мажбуриятлар юклатиш бўлиб, ушбу чеклаш ёки мажбурият юклатиш жазони ижро этиш муассасасидан озод қилинган шахсга нисбатан суд томонидан белгиланади;

назорат остидаги шахс – ўзига нисбатан маъмурий назорат амалга оширилаётган шахс;

назорат остидаги шахснинг яшаш жойи (яшаш жойи) – назорат остидаги шахс доимий ёки вақтинча прописка қилинган турар жой.

ўзига нисбатан маъмурий назорат ўрнатиладиган шахс – суд томонидан ўта хавфли рецидивист деб топилган, оғир ёки ўта оғир жиноятлар содир этганлик учун озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган, ҳар қандай қасддан қилинган жиноятлар учун икки ёки ундан ортиқ марта озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган, Жиноят кодексига биноан оғир ёки ўта оғир жиноят ҳисобланадиган қилмишлар содир этганлик учун бошқа давлат ҳудудида озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони ўтаган шахс

Қисқача қилиб айтганда, юртимизда фуқороларнинг тинч-осойишта ҳаёт кечиришини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, жиноятчиликка қарши курашиш, шунингдек, бошқа муҳим ҳаётий масалаларни ҳал этиш бўйича кенг кўламли ҳаракатлар бошлангани ва янги тизим яратилгани ижобий натижалар бермоқда. Ички ишлар органлари профилактика хизматлари тизимида амалга оширилган ислохотларда мустаҳкам ҳуқуқий-меъёрий ва моддийтехник база яратилди, профилактика инспектори ғоят масъулиятли ва шарафли касбга айланди.

Фойданилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2023.
2. Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 2024 й <https://lex.uz/docs/97664> 21.07.2024
3. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 27 октябрдаги “Наркологик касалликлар профилактикаси ва уларни даволаш тўғрисида”ги ЎРҚ-644-сонли Қонуни \ \ URL: <https://www.lex.uz/acts/5069150>
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ5005-сонли Фармони \ \ URL: <https://lex.uz/docs/6396146> 02.03.2023
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги «Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлин-малари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2896-сонли Қарори \ \ URL:<https://lex.uz/ru/docs/3175732> 06.02.2024.
6. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 28.02.2023 йилдаги ПФ-27-сон. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 02.03.2023 й
11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 1 майда қабул қилинган «Сурункали алкоғолизм ёки гиёҳвандликка мубтало бўлган беморларни мажбурий даволаш учун ихтисослаштирилган даволаш-профилактика муассасалари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги ВМ – 195-сонли Қарори \ \ URL:<https://lex.uz/uz/docs/521411>
12. H.Q. Babahanov. Xotin-qizlar tomonidan sodir etiladigan jinoyatlar profilaktikasini takomillashtirish //Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences. – 2024. – V. 4. – B. 33-41.